



Сув реусларидан мукаммал фойдаланиш

Асосий адабиётлар:

1. Valiev X.I., Murodov Sh.O., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, Darslik. T. Fan va texnologiya, 2010. - 167 b.
2. Murodov Sh.O., Valiev X.I., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, O’quv qo’llanma. T. Aloqachi, 2007. - 160 b.
3. Авакян А.Б., Широков В.М. «Комплексное использование и охрана водных ресурсов», Учебное пособие. Москва: 1990. – 322 с.
4. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. “Water Resources Planning and Management”, Published in the United States of America by Cambridge University Press, New York: 2011. – 801 p.

Мавзу: **Сув хужалик баланси (СХБ)**

1. Сув хужалик балансини түзиш зарурияти;
2. Сув хужалик балансини түзиш тамойили, услуби ва шакли;
3. Сув хужалик баланси турлари;
4. Сув хужалик балансини тахлили зарурияти ва ахамияти;
5. Сув хужалик ва сувни мухофаза килиш тадбирлари таркибини, хажмини, амалга ошириш жойини ва вактини асослаш.

Сув хужалик баланси (СХБ)

- Сув хужалик баланси – бу миңтакани сув билан таъминлаш схемасини тузишни асосидир. СХБ усули СР таҳлил килиш ва режалаштириш учун З даражада кулланилади:
 - бутун мамлакат буйлаб умумлаштирилган курсаткичлар буйича,
 - алохида сув истеъмолчилар ва сувдан фойдаланувчилар буйича (ахолини сув таъминоти, сугорма дехкончилик, саноат, иссиқлик энергетикаси ва бошкалар),
 - алохида сув хужалик туманлари буйича.
- СХБ тузишни асосий тамоийли – уни йилнинг ойлари буйича тузилишидир, яъни сув истеъмолчиларни ва сувдан фойдаланувчиларни йилнинг хар бир ойида сув билан таъминланганлик даражасини аниклашдир.
- СХБ мураккаб узаро таъсирдаги **мавжуд сув ресурсларини** - экологик, ижтимоий ва технологик омиллар билан белгиланувчи **кишилик жамиятини сувга булган талаби билан таккослашдир**
СХБни тенгламаси куйидаги куринишда:

$$\pm \text{СХБ} = \sum W_{c.p} - (\sum W_{c.i} - \sum W_{o.c});$$

Бу ерда: $\sum W_{c.p}$ – хавзанинг эксплуатацион сув ресурслари, млн. м³

$\sum W_{c.i}$ – хавзадаги ахоли ва халқ хужалиги тармокларини
сувга булган талаби, млн. м³

$\sum W_{o.c}$ – ахоли ва халқ хужалиги тармокларида
шаклланадиган окова сувлар хажми, млн. м³.

СХБ турлари

• **СХБНИНГ** куйидаги турлари тузилади ва улардан фойдаланилади:

- хисобот СХБ,
- оператив СХБ,
- режали СХБ ва
- истиқболли СХБ.

Хисобот СХБ сув ресурсларидан фойдаланишдаги **эришилган холатни** ифодалайди ва мамлакатни айрим туманларида сув истеъмол килишни усишини, уни сув билан таминланганлик шароитини, мавжуд сув хужалик тизимларини ишлаш самарадорлигини ва сув ресурсларидан фойдаланишни мувофикалигини тахлил килиш учун хизмат килади.

Оператив СХБ кутилаётган сув ресурсларини халқ хужалиги тармоклари уртасида юкори **самарадорлик** билан **таксимлаш** максадида сув истеъмоли ута танг булган **дарё хавзалари учун жорий йилга** тузилади. Бундай СХБ сув ресурслари такчил булган дарё хавзаларида сув ресурсларини тугри таксимлаш ва ундан юкори самарадорлик билан фойдаланишни амалга ошириш имконини беради.

Режали СХБ халқ хужалигини ривожланишини **давлат режасига** мувофик унинг ажралмас таркибий кисми сифатида тузилади. Режали СХБда сув хужалик тадбирларини руйхати ва хажмлари асосланади.

Истиқболли СХБ ишлаб-чикариш кучларини **ривожланишига** ва жойлашишига сув омилини таъсирини тугри хисобга олиш ва баҳолаш максадида халқ хужалигини ривожланишининг **келажаги учун** тузилади хамда унда узок муддатли илмий-тадқикот ва лойиха-кидирув ишлари режаси асосланади.

СХБини тузишни бир неча шаклари булиб, улар ичида энг кулай жадвал шаклида тузиш хисобланади.

СХБини тахлили асосан турли хисоблаш даврларда худуддаги ахолини ва халк хужалиги тармокларини сувга булган талабарини хисобли эксплуатацион сув ресурслари билан йил ва уни ойлари давомида таъминланганлиги аникланади. СХБини тахлили натижасида мавжуд хисобли эксплуатацион сув ресурслари билан сувга булган талаб уртасида куйидаги муносабатлар булиши мумкин:

а) мавжуд хисобли эксплуатацион сув ресурсларини хажми сувга булган талаб хажмидан бирмунча катта, яъни $\sum W_{c.p} > \sum W_{c.i}$;

б) мавжуд хисобли эксплуатацион сув ресурсларини хажми сувга булган талаб хажмига teng, яъни $\sum W_{c.p} = \sum W_{c.i}$;

в) мавжуд хисобли эксплуатацион сув ресурсларини хажми сувга булган талаб хажмидан кичикдир, яъни $\sum W_{c.p} < \sum W_{c.i}$;

СХБини тахлили натижасида кайси муносабатни (а,б,в) кайд этилишига караб даре хавзасида сув хужалик ва сувни мухофаза килиш тадбирлари таркиби асосланади ва жадвал куринишида ифодаланади

Сув ресурсларини мухофаза килиш ва уларни салбий таъсирини бартараф килиш тадбирлари.

A. Сувни мухофаза килиш тадбирлари.

Сув ресурсларини саноатни чикинди сувлари билан ифлосланишини бартараф килиш учун саноатни сув билан таъминлаш тизимида сувдан кайта ёпик тизимда фойдаланишни ва "колдикларни" заарсизлантириш тадбирлари максимал тадбик килиш кузда тутилиши керак.

Озик-овкат саноатини ифлосланган сувларни махаллий тозалаш иншоотларидан утказилгандан кейин ахоли жойларини канализация шахобчасига ташланиши керак ва коммунал хужалик чикинди сувлари билан тозалаш иншоотларидан утказилгандан кейин сугоришда ёки саноатни сув билан таъминлашда фойдаланиш керак.

COMMONWEALTH OF INDEPENDENT STATES

Scale 1:20,700,000

Lambert Conformal Conic Projection,
standard parallels 47°N and 62°N

0 300 Kilometers
0 300 Miles

Boundary representation is
not necessarily authoritative.

R U S S I A

M O U N T A I N S

U R A L

Aral Sea
Basin

K A Z A K H S T A N

BETPAQDALA

T I E N S H A N

CHINA

TAKLA MAKAN
DESERT

I R A N

A F G H A N I S T A N

P A K.

H I M A L A Y A S

I N D I A

Орол денгизи хавзаси



**КРХда Ичимлик сув сиfatига
күйиладиган талаблар.**

Манбаларининг турлари

Сув таъминоти мақсадида ишлатиладиган асосий сув манбалари таркибига:

а) ер ости манбалари - ер ости сув оқимлари, ер ости сув ҳавзалари, булоқлар ва

б) ер усти сув манбалари - дарё, кўллар, каналлар ва сув омборлари киради

Ичимлик сув манбалари техник-иқтисодий ҳисоблар асосида ГОСТ 17.1.3-03-77га мувофиқ ҳолда танланади. Шу билан бирга сув ресурсларидан фойдаланиш "Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақидаги қонун "асосида бошқарилади. Сифатли ер ости сувларини биринчи навбатда ичимлик-хўжалик мақсадларида ишлатиш кўзда тутилади ва уларни бошқа мақсадда фойдаланиш чегаралаб қўйилади. Ер усти сувлари бўлмаганда, аммо ер ости сувлар етарли даражада бўлган ҳолларда уларни ишлаб чиқариш ва суғориш мақсадларида маҳсус ташкилотлар рухсати билангина фойдаланишга рухсат этилади.

Сувнинг сифати. Ичимлик сув сифатига қўйиладиган талаблар

Ичимлик, хўжалик ва техник мақсадлар учун ишлатиладиган сувнинг сифати сувдаги ҳар хил эрувчан ва эримайдиган минерал ва органик моддаларнинг таркибига боғлиқдир ва сувнинг физик, химик, бактериологик ҳамда биологик хоссалари йиғиндиси (тўплам) бўйича аниқланади.

Ичимлик сувнинг сифатига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Давлат "Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатни назорат қилиш" андозаси O'zDSt 950:2011 талаблари асосида белгиланган. Ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган сувни сифатига қўйиладиган талаблар турли тармоқ меъёrlари ва техник шартлар билан чегараналади.

Тоза ичимлик суви тиник, рангсиз, ҳидсиз, мазасиз ва касаллик қўзғатувчи бактерияларсиз бўлиши керак. Сув ҳарорати йил давомида мумкин қадар бир текис бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан чорвачиликни маҳсулдорлигини ошириш учун энг қулай ҳарорат 7-12°C оралиғидадир.

Табиий сувларни қаттиқлик даражаси қуидаги характерланади:

Юмшоқ сув < 4 мг әкв/л

Үрта қаттиқликдаги сув 4-8 мг әкв/л

Қаттиқ сув 8-12 мг әкв/л

Жуда қаттиқ сув > 12 мг әкв/л

Дарё сувларининг қаттиқлиги одатда катта эмас (1-6 мг экв/л). Бироқ сўнгги даврда антропоген таъсирнинг кучайишиши оқибатида дарё сувларининг қаттиқлиги ҳам кескин ортди. Масалан Амударё сувининг қаттиқлиги унинг қўйи оқимида вақти вақти билан 16-18 мг экв/л гача етмоқда. Ер ости сувларининг қаттиқлиги одатда ер усти сувларникоға қараганда каттароқдир. Ичимлик сувининг қаттиқлиги 7 мг экв/л дан ортмаслиги лозим.

Қаттық сув айланма сув таъминотида, буғ қозонларида, юқори сифатли целлюлоза ва сунъий тола ишлаб чиқариш саноатлари учун фойдаланишга айниқса яроқсиздир.

- Тиниклик:
- Сув таркибидаги аралашма сузиб юрувчи моддалар қуидаги гурӯхларга бўлиниши мумкин:

Аралашмаган моддалар

- Коллоид
- Эрувчан

Табиий сувларни лойқаси әримайдиган ва коллоид ҳолида ноорганик (лой, күм ва х.о) ва органик (балчиқ, микроорганизмлар) ҳолларида бўлиши муфмкин. Лойқалик ер усти сувларига хосдир. Дарёлар сувининг лойқалиги бир неча минг «мг/л» гача етади. Айниқса Ўрта Осиё дарёларида сувнинг лойқалиги каттадир. Ер ости сувлари ер усти сувларига қараганда тиник бўлади.

O‘zDst 950:2011 бўйича ичимлик сувдаги әримаган моддалар миқдори 1,5 мг/л дан кўп бўлмаслиги керак. Сувнинг тиниқлиги "мутномер", ҳозирги вақтда "нефелометр" номли асбоблар билан ўлчанади. Сувни тиниқлигини туби яssi бўлган 30-50 см баландликдаги маҳсус шиша цилиндр ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Агар цилиндрдан 5 см юқорида жойлаштирилган матн цилиндрдаги 30 см баландликдаги сув устуни орқали кўринса, олинган сув намунси тиник ҳисобланади. Сув устуни баландлиги сантиметрда ўлчаниб, у сувни тиниқлигини белгилайди.

Минераллашганлик

Қуруқ қолдиқ - бу сувдаги барча эримаган моддаларнинг умумий миқдоридир. Уни аниқлашда сувнинг намунаси қайнатилиб буғлатилади ва сўнгра t_k 105 градусда қуритилади. Идишда қолган моддаларнинг оғирлиги сувнинг умумий минераллашганлигини белгилайди.

O'zDst 950:2011 бўйича ичимлик сувдаги эримаган моддалар миқдори 1,5 мг/л дан кўп бўлмаслиги керак. Сувнинг тиниқлиги "мутномер", ҳозирги вақтда "нефелометр" номли асбоблар билан ўлчанади. Сувни тиниқлигини туби яssi бўлган 30-50 см баландликдаги маҳсус шиша цилиндр ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Агар цилиндрдан 5 см юқорида жойлаштирилган матн цилиндрдаги 30 см баландликдаги сув устуни орқали кўринса, олинган сув намунси тиниқ ҳисобланади. Сув устуни баландлиги сантиметрда ўлчаниб, у сувни тиниқлигини белгилайди.

Табиий сувларни минераллашганлик даражаси:

Чучук сув - 200-500 мг/л.

Мўътадил минераллашган сув - 500-1000 мг/л

Шўртаъм сув - 1000-3000 мг/л

Шўр сув - 3000-10000 мг/л

Юқори минераллашган сув - 10000-35000 мг/л

Намакобга яқинлашган сув - 35000-50000 мг/л

Намакоб - 50000-400000 мг/л.га бўлиниши мумкин